



**САЙЛОВ- ХАЛҚ ЎЗ ҲОКИМИЯТИ ВА ХОҲИШ
ИРОДАСИНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ РЎЁБГА
ЧИҚАРИШИНING ОЛИЙ ИФОДАСИ СИФАТИДА**

Жамшид Намозов

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар
Университети тадқиқотчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10369560>

ARTICLE INFO

Received: 06th December 2023

Accepted: 12th December 2023

Online: 13th December 2023

KEY WORDS

Сайловларни ОАВ да ёрилтиши сайловнинг асосий жараёнларидан бири ҳисобланади. Сайловлар халқ демократиясининг бирдан бир манбаидир.

ABSTRACT

Сайлов, ОАВ, демократик ислоҳатлар, Сайлов комиссияси.

Янги Ўзбекистоннинг мустақил демократик давлат қуриш борасидаги танлаган йўли бугун кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътирофга сазовор бўлмоқда. Сабаби, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатдаги ислоҳатларни босқичма-босқич амалга ошириш учун ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқилиши ва унинг ҳаётга тадбиқ этилаётганлигидир.

Ўз ўрнида ана шундай ислоҳатлардан бири Ўзбекистонда Президентлик сайлови ва профессионал парламент тизимини ташкил этиш ва уни сиёсий институт сифатида шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат эди. Бунинг учун эса мамлакатдаги мавжуд сайлов тизимига эътибор қаратиш талаб этилади. Негаки, “фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида сайловлар фақат демократиянинг белгиси ва кўриниши бўлмасдан, шу билан бирга унинг зарурий шarti ҳамдир”¹. Шунинг учун ҳам давлатимизда мустақиллик йилларининг бошиданоқ бу масалага жиддий эътибор қаратила бошланди. Натижани эса бугуннинг мисолида кўриб турибмиз. Сиёсий парламентимизнинг икки палатали тизимга ўтказилиши, бу борадаги мақсадларимиз йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун бутун дунёнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олган давлатлар сиёсатининг куч-қудрати ва демократлаштирилган тизими аста-секинлик билан мамлакатимиз сиёсий тизимида ҳам шаклланиб бормоқда. Келажакда бу ишларнинг барчаси битта мақсадга, яъни мамлакат тақдирининг истиқболига қаратилгандир. Давлат сиёсатида алоҳида аҳамиятга молек бўлган бу каби масалалар ҳар қачон ҳам

¹ Қудратхўжаев Ш. Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. Т.: “Шарқ” НМАК, 2007- 77 бет.



тўғри ва оқилона сиёсатнинг асосий негизини ташкил этади. Ҳақиқатда ҳам, мустақил давлатларда асосий вазифа юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигидир. Буларни таъминлаш учун эса биринчи навбатдаги қилинадиган ишлар қаторида, эркин демократик ҳокимиятни барпо этишга ҳисса қўшувчи сайлов тизимига ҳам қайта ишлов киритиш лозим эди.

Сўнги йилларда айти шу мақсадга қаратилган бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Ҳатто бу борада давлатимиз бош қомуси бўлган Конституциямизнинг айнан сайлов тўғрисидаги айрим моддаларга қайта ишлаш ва тегишли ўзгартишлар киритилиши бежизга эмас эди. Шунга кўра, Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш киритилди. Бу ўзгартишга мувофиқ, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатларининг сони 150 нафар этиб белгиланди. Улардан 135 таси бир мандатли сайлов округларидан, 15 таси эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади². Мазкур модда яна қайта ўзгартирилди. Унга кўра 15 нафар Экоҳаракат вакиллари ҳам тенг ҳуқуқ асосида сайловларда иштирок этади ва сайловчиларни овози билан сайланади. Экоҳаракат эса Ўзбекистон Экологик партияси сифатида қайта ташкил этилди.

2014 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига қўшимча сифатида киритилган Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақомини беришга оид янги қоидалар, 2014 йил 4 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Бюджет кодексига сайловларга оид янги нормаларнинг киритилганини ҳам қайд этиш зарур.

Мазкур ўзгаришлар 2015 йил 29 декабрда имзоланган қонунга асосан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни кўрсатиш мумкин. Унга мувофиқ, ушбу Қонунга бошқа давлатлар, халқаро² ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар бериш тартибига оид, қамоқда сақлаш жойларида овоз беришни тартибга солувчи, сайловчилар рўйхатини тузишга доир, сайловолди ташвиқоти, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, турлари ҳамда муддатларини аниқ белгилайдиган, муддатидан аввал овоз бериш тартибини янада соддалаштирадиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида сиёсий партиялар томонидан йиғиладиган имзо варақаларининг сонини қисқартиришга оид янги нормалар киритилди.

² Конституциядаги Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлатва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг ўзгартирилиши.



Сайлов– халқ ўз ҳокимияти ва хоҳиш иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришининг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларининг демократик тарзда ташкил этишнинг негизи ҳисобланувчи улкан ижтимоий сиёсий тадбир.³

Мазкур сиёсий жараёнларда, айниқса мамлакат оммавий ахборот воситалари ўзига хос ўрин тутди. Зеро, сайловларни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Сайловларнинг эркин, очиқ ва ошкора ўтиши, ҳақиқий ва адолатли деб эътироф этилиши, аввалламбор, сайлов жараёнларида сўз эркинлиги, фикрни ифодалаш эркинлиги, фикрни ифодалаш эркинлиги нечоғли таъминланганлигига бориб тақалади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайлов кампаниясини ёритиб бориш, сайлов тўғри ҳамда қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳуқуқий кафолатланган. Ушбу кафолатлар оммавий ахборот воситаларининг соҳа қонунчилигида кўзда тутилган ҳуқуқ ва эркинлари, мақсад ва вазифалари, бурч ҳамда масъулияти билан ўзаро уйғунлик касб этади.

Таъкидлаш жоизки, сайлов ҳақидаги қонунларнинг давр ўтиши билан такомиллашиб бораётгани ҳам демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганимизнинг ўзига хос намунаси дир.

Албатта, сайлов жараёнлари қайси оммавий ахборот воситаларида ва қандай тарзда ёритилади, деган савол туғилиши табиий.

Бу борадаги илғор халқаро тажрибага ва ўзимизнинг тобора такомиллашиб бораётган миллий сайлов амалиёти натижаларига асосланадиган бўлсак, мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлиги кенг ёритилиши лозим, деган хулосага келамиз. Зеро, сайловнинг очиқ ҳамда ошкора ўтишини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя.

Бошқача айтганда, мазкур жараённи кенг, халқ учун тушунарли тарзда ёритиш оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифаси саналади.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилигида сайлов ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланиши принципи назарда тутилган.

Давлат сайлов, номзодлар тўғрисидаги ахборотни излаш, йиғиш ва тарқатиш эркинлигини, сайлов жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида холисона ёритилишини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари қонунга мувофиқ аҳолини сайлов, номзодлар кўрсатиш, уларнинг сайловолди дастурлари, сайлов кампаниясининг бориши, овоз бериш яқунлари ва сайлов натижаларидан хабардор этиб бориш, ўз фаолиятини қонун, қонун ҳужжатлари ва давлатнинг халқаро мажбуриятлари доирасида амалга ошириш учун маъсул ҳисобланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

³ Ғулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. Т.: ТДҶОИ, 2004 йил. 5-бет



2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов Кодекси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019й., 03/19/544/3337-сон)
3. Ш.Қудратхўжаев Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. Т.: “Шарқ” НМАК, 2007- 77 бет
4. М.Хусанова “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти”. Т.: ТДЮИ, 2004 йил
5. Ғулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. Т.: ТДЮИ, 2004 йил
6. <https://lex.uz>
7. <http://elections.uz>